



ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ЗАРУР ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 31 март куни макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бизнесни қўшимча қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Халқаро экспертлар жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги мураккаб вазият узоқ давом этишини прогноз қилишмоқда. Бу эса ички бозордаги нарх-навога, айниқса, озиқ-овқат нархлари ва инфляцияга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Шу боис, бу омиллар Президент раҳбарлигида мунтазам таҳлил қилиниб, зарур чоралар кўриб боришмоқда. Бу ўз натижасини бериб, ички бозорда муътадиллик таъминланмоқда.

Хусусан, гўшт, сўт, картошка, тухум, гуруч нархининг ошишига йўл қўйилмади. Чет эл корхоналари Тошкент товар-хомуш бироқда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиши учун қўшимча шароит яратилди. Валюта бозори ва айирбошлаш курси барқарорлашди.

— Бу борада халқимизда ортиқча хавотир ёки безовталиқ бўлмаслиги керак. Валюта бозорида кескин тебранишларнинг олдини олиш учун захира-миз етарли, — деди давлат раҳбари.

Кириб келаятган Рамазон ойида нархни арзонлаштириш катта савоб экани, бунинг учун озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун аввал берилган имтиёзли маблағларни қайтариш муддати йил якунига қадар узайтирилди.

Бош вазир раҳбарлигида республика штаби ҳамда ҳокимлар бошчилигида ҳудудий штаблар ташкил этилди. Уларга бозордаги нарх-наво-ни кундалик ўрганиб, маҳсулотларни аҳоли талабига қараб қўшимча етказиб бериш топширилди. Озиқ-овқат ва хомашёнинг биржа савдоларига чиқарилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш, сунъий равишда нарх ошишининг олдини олиш вазифаси қўйилди.

— Ҳозир дунёда мураккаб давр давом эта-япти, ҳар куни янги синовлар билан тўқнаш

келаямиз. Лекин эртага нима бўлади, деб кутиб ўтириш ярамайди. Муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал қилиш ва янги имкониятларни излаб топиш-миз керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ташқи хавф-хатарлар таъсири-ни камайтириш мақсадида тадбиркорларни қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Жумладан, банклар томонидан тадбиркорлар-га хомашё сотиб олиш ва айланма маблағлар учун қўшимча 10 триллион сўм "револьвер" кре-дитлар ажратилади. Давлат дастурлари доира-сида мева-сабзавотчилик, оилавий тадбиркор-лик, ипотека ва таълим кредитлари ҳажми ҳам, имтиёзли ставкалари ҳам сақлаб қолинади.

— Қанчалик оғир бўлмасин, ажратиладиган маблағларни камайтирмаймиз ва юқини ошир-маймиз, — деди Президент.

Шунингдек, солиқ маъмуричилигидаги янги ме-ханизмлар бўйича йил якунигача жарима қўлла-маслик, божхона имтиёзларини қўллаш даврини узайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Тошкент инвестиция форуми якун-ларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мазкур анжуманда қарийб 8 миллиард дол-ларлик шартномалар ва келишувларга эришил-ган. Қўллаб-қўрғов тадбиркорлар юртимизда ўз бизнесини бошлаш ёки ривожлантириш истагини билдирган.

Бу келишув ва ташаббуслар тўла амалга оши-ш учун инвесторларга барча шароит яратилиши қайд этилди. Иқтисодиёт тармоқлари раҳбар-ларига хорижий компаниялар билан келишиб, уларнинг ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш вазифаси қўйилди. Навоий, Самарқанд, Тош-кент, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида қўшни мамлакатлар бозорига маҳсулот етказиб берувчи улгуржи савдо ҳудудлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳудуд ва тармоқларда харажатларни қискар-тириш, таъмирлаш, автомобиль, мебель ва офис анжомлари харид қилишни тўхтатиб туриш бўйи-ча қатъий кўрсатмалар берилди.

Халқаро молия бозоридagi ҳозирги нобарқарор вазиятда четдан маблағ жалб қилиш қийин бўла-ди. Бундай шароитда энг тўғри йўл — бор ресурс-лардан оқилона ва самарали фойдаланиш.

Масалан, бугунги кунда қиймати 9 миллиард доллар бўлган 105 та лойиҳа доирасида жалб этилган маблағлар ишлатилмай турибди ёки чў-зияляпти.

Шу боис, Бош вазир ўринбосарига тармоқ раҳ-барлари ва вилоят ҳокимлари билан бирга, ҳар бир лойиҳани чуқур ўрганиб, ижросини жадал-лаштириш, самарасиз ва истикболсиз лойиҳа-ларни тугатиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бу масалага фақат иқтисодий кўрсаткич сифатида эмас, балки "халқимизнинг ижтимоий ҳимояси" нуқтаи назаридан қараш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги иш ўринлари ташкил этиш кўрсаткичлари вилоят ва туманлар кесимида таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда 67 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилиш шаклига ўтказилган. Бундай қасблар яна 20 тага қўйайтирилиши, бу орқали қўшимча 150 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин-лиги айtilди.

Ҳукуматга эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш қўламини янада кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала-лар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи-да юртимизда миллий ва диний қадриятла-римизга бўлган эътибор ва эҳтиром янада ортиб бормоқда. Жонажон диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, хонадон-ларимиздаги фойз ва қут-баракани халқи-миз, аввало, Яратганнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва миннатдорлик би-лан қабул қилмоқда.

Айниқса, ахиллик, ўзаро бирдамлик ва маънавий поклик фазилатлари улуғланиди-ган қутлуг Рамазон ойини эл-юртимиз доимо катта хурсандчилик ва кўтаринки кайфият-да кутиб олмақда. Ушбу муборак кунлар-да инсон қадрини улуғлашга, оила ҳамда маҳаллага меҳр ва эътиборда бўлиш, ижти-моий қўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишилар-га ёрдам ва саховат кўрсатишга қаратилган савобли амаллар янада ёрқин намоён бўл-моқда.

Халқимиз учун эзгулик ва мурувват, меҳр-оқибат рамиз ҳисобланган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом дини-нинг инсонпарварлик тамойилларини ҳамда маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2022 йил муборак Рамазон ойининг бош-ланиши 2 апрель кунига тўғри келиши ҳақи-даги Ўзбекистон мусылмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувват-лаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини **миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб тарзда** ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда ушбу му-борак ойнинг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган **инсонийлик, шукроналик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, мамлакатдаги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаш, оилалар ҳамда маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлашга** хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомп-анияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентли-ги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тад-бирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 31 март

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ УСТУВОР МАМЛАКАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” тушуначасини замонавий дунё сиёсати лугатига киритгани бекиёс аҳамиятга эга бўлди. Янги Ўзбекистон — бу ибора Президентимиз илгари сурган ва бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган эзгу го-я.



Бу го-я замирида, бир томондан, бугунги ва эртанги авлодларимизнинг “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қўйишдек эзгу мақсад-муддаоси, ик-кинчи томондан, миллий тарихимиз-да Биринчи ва Иккинчи Ўйғониш даврларига асос солган улуг аждодла-

римиз, аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари, **учинчи томондан**, бунёдкорлик, яратувчан-лик, ҳар доим ўқиш ва изланишга даъват ўз мужассамини топган.

“Агар жамият ҳаётининг тана-си иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бо-зор тамойилларига асосланган куч-ли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждод-ларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”.

Ушбу фикрларни Президентимиз маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалала-ри бўйича 2021 йил 19 январь куни



ўтказилган видеоселектор йиғилиш-да билдирганди. Давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда сўзлаган нутқинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кейин-чалик Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз аксини янада яққол

топди: Тараққиёт стратегиясининг етти йўналишидан бири маънавият соҳа-си-да амалга ошириладиган ислохотлар-га бағишланди.

▶ Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЯНГИЧА МУЛОҚОТ ФОРМАТИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон “Тараққиёт стратегияси” маркази бўлим бошлиғи Анвар Шеров Анқара инқирозлар ва сиёсат тадқиқотлари маркази раҳбари Меҳмет Сейфеттин Эрол билан Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик ҳамкорлик, мунтазамлик қасб этаётган олий даражадаги учрашувлар ҳамда Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашдаги аҳамияти юзасидан суҳбатда бўлди.

— Жаноб Меҳмет Эрол, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстона муносабатлар-ни янги босқичда, кўтаринки руҳда давом эттириш даври бошланмоқда. Куни кеча Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған-

нинг бизнинг юртга ташрифи, Ўзбе-кистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг дўстлик руҳи-даги қарашлари ҳам шундан далолат беради. Шу маънода, суҳбатимизни Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқи-чидан бошлашасан. 2022-2026 йилларга

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ислохотларни амалга оширишда қанчалик муҳим, деб ўйлайсиз?

— Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси кенг жамоатчилик муҳока-масидан ўтказилиб, ўзбек халқи ва ўзбек давлати эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳол-да ишлаб чиқилган. Ҳужжатдан қўзланган асосий мақсад, бу — “даромади ўртача-дан юқори бўлган давлатлар” қаторига ки-риш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ва керакли механизмларни фа-оллаштиришдан иборат. Шу нуқтаи назар-дан, мазкур ҳужжатни янги Ўзбекистон-нинг кейинги беш йилга мўлжалланган

“Йўл харитаси” десак, асло мулоҳаза бўлмайдик. Бир нарсани тан олиш керак, Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавози-мига киришиши ҳамонқў Ўзбекистон дунё билан конструктив алоқаларни ўрнатди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг иқти-содий ҳаётида шиддатли бурилиш ясади. Чунки Ўзбекистон иқтисодиётини либе-раллаштириш жараёнларини рағбатлан-тирмоқда, хусусийлаштириш босқичи изчиллик билан амалга оширилиб, моно-полияга қарши курашмоқда ва натижада мамлакатда рақобатбардор эркин бозор тартиби барпо этиляпти.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОНДА МУНОСИБ МЕҲНАТНИ ИЛГАРИ СУРИШ: ИНСОНГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ

Бошланиш 1-бетда

Юқори даражада ўтказилган ушбу халқаро тадбирда 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган долзарб масалалар, яъни аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб ишга эга бўлиш ва меҳнат шaroитларини яратиш ҳамда бу соҳада мамлакатнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган 300 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мингдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизими ислоҳ қилинди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни йўқ қилиш соҳасида аниқ натижаларга эришилди. Хусусан, қонунчилик ва ташкилоти-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни имплементация қилиш, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, институционал базани ривожлантириш, тизимли

мониторинг ва тадқиқотлар олиб бориш, фуқаролик жамияти ва ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш соҳаларида тизимли ишлар олиб борилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик базасини мустаҳкамлаш борасида 2019-2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг қатор конвенция ва баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилиши энг самарали чора-тадбирлардан бири бўлди. Миллий қонунчилигимизни Халқаро меҳнат ташкилотининг Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенциясига мувофиқлаштирдик.

2021 йилнинг сентябрь ойида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги мамлакат дастури қабул қилингани томонлар ўртасидаги ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилди. Қолаверса, ушбу дастур ўзаро ишончли мулоқотни чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Бугунги мулоқотимиз Ўзбекистонда кенг қўлланли ўзгаришлар жараёнларини янада кучайтиришга хизмат қилди. Мамлакатимизда меҳнат қонунчилигини Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари ва тавсияларига мувофиқлаштириш ишлари давом эттирилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида ушбу йўналишдаги ишларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади, — деди Сенат Раиси.

Халқаро анжуманда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилган кенг қўлланли ишлар, соҳага бозор тамойилларининг кенг татбиқ этилиши, меҳнат қонунчилиги устидан самарали назорат ва мустақил мониторингнинг амалга оширилиши пахтачилик соҳасида тизимли мажбурий меҳнатни тўлиқ бартараф этишга хизмат қилди. Шунингдек, мамлакатимизда муносиб меҳнат тамойилларининг амалиётга татбиқ этилишида 2019 йилда ташкил этилган ва бугунги кунда самарали фаолият юритаётган Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий ва ҳудудий комиссиялари аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги қайд этилди.

Мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Жаҳон Банки, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги, “Cotton Campaign” халқаро коалицияси каби ташкилотлар томонидан билдирилган тақлифларни амалиётга жорий этиш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди ва ижроси таъминланди.

Анжуманда Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдернинг конференция

иштирокчиларига йўллаган мурожаати тингланди. Г.Райдер Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини амалиётга татбиқ этишда Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлик ўрнатилгани, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида мажбурий меҳнатга қарши курашиш, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш, меҳнат соҳасига оид халқаро стандартларни жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилганини қайд этди.

— Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги Мамлакат дастури БМТнинг Ўзбекистон учун барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасида ҳамкорлик дастурига тўлиқ мос келади ва Ўзбекистон дунёдаги бундай дастурни қабул қилган биринчи мамлакат ҳисобланади, — деди Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдер.

Шунингдек, анжуманда Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Х.Коллер нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга, шу жумладан, болалар меҳнатига барҳам берилгани, умуман, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш борасида кейинги йилларда Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида эътироф этди.

Тадбирда ижтимоий ҳимоя, бандлик соҳасида самарали давлат бошқаруви, меҳнат соҳасидаги ижтимоий мулоқот мавзularига бағишланган сессия ййгилишларида Бандлик ва меҳнат

“**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА 2019-2021 ЙИЛЛАРДА 32 ТА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ, ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ВА ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ҚАТОР КОНВЕНЦИЯ ВА БАЁННОМАЛАРИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ.**

муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Иш берувчилар Конфедерацияси, Молия вазирлиги ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакилларининг фикрлари эшитилди.

Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини янада ривожлантириш юзасидан янги лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Муҳтарам КОМИЛОВА, Ўза муҳбири

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Бошланиш 1-бетда

Шубҳасиз, ушбу ислохотлар Ўзбекистонга инвестициялар оқимини тезлаштиради. Сармоялар ҳисобига аҳолининг бандлиги таъминланади, ишсизлик даражаси камаяди.

Бундан ташқари, нархларда юзага келган барқарорлик инфляциянинг пассивишига олиб келади. Бундай ҳолатда ўзбек халқининг харид қўбилияти ошади. Ўзбекистонда инфляция даражаси 2017 йилнинг декабрь ойида 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг декабрь ойидаёқ 10 фоизга түшди. Шу билан бир қаторда, 2023 йилнинг декабрь ойигача инфляцияни 5 фоизга тушириш мақсад қилинган. Бу, шубҳасиз, Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган қатъий қадамларнинг самарали натижасидир.

Тараққиёт стратегияси доирасида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот беш йил ичида 1,6 баробар ошиши кўзда тутилган. Шунингдек, 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига даромадди 4 минг долларга етказиш мақсад қилинган. Бу мақсадларга эришиш учун барча тармоқларда, хусусан, sanoat, машинаsoзлик, toғ-кон sanoati, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика соҳаларида юқори ўсиш суръатларига эришиш белгиланган.

Дарҳақиқат, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларнинг мақсадли вазифалари белгилаб берилган. Бу, янги Ўзбекистонни бардо эйтиш жараёнида қўлланилиши керак бўлган стратегиядир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда энергетика, кимё ва фармацевтика sanoatлари, қайта тикланувчи энергия манбалари, мебелsoзлик, туризм каби тармоқларни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган йўналишга мос келади. Шунингдек, стратегияда Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги ва chorvachilik cиcетасида ўзини ўзи таъминлаши кўзда тутилган. Демак, келажакда юртингиз озик-овқат хавфсизлиги тўлиқ таъминланган давлатга айланади. Бу умр кўриш давомийлигини ошириш ва соғлом жамият барпо этиш демакдир.

Буларнинг барчасига эришиш учун бошқарувда шаффофлик, қонун устуворлиги тамойили ҳўкмор бўлиши мақсад қилинган. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилаётган янги Ўзбекистон замирида айнан шу мақсадлар ҳам бўлган.

Дунёнинг нуфузли давлатларидан бирига айланишни мақсад қилган Ўзбекистон фаровон жамият барпо этиш



учун иқтисодийётни либераллаштириш жараёнига катта эътибор қаратмоқда. Бу Ўзбекистон ҳўкуматининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги саъй-ҳаракатларида ҳам яққол кўзга ташланаётди.

Бугун Ўзбекистоннинг “Учинчи Ренессанс даври” ўзбек халқи манфаатлари устувор бўлган, фаровон жамият қуришга интилувчи оқилona стратегияга асосланади. Бу стратегия ҳамда унда белгиланган “Йўл харитаси” жиддий ислохотлар қатъийлик билан амалга ошишини таъминлайди.

— Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг қайси жиҳатларини халқаро муносабатлар нуқтаи назаридан энг аҳамияттлиси, деб ҳисоблайсиз?

— Бу ерда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз, Ўзбекистоннинг иқтисодийётни либераллаштириш борасида олиб бораётган cиcетати унинг ташқи cиcетати билан чамбарчас bogлиk. Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришганидан буюн Ўзбекистон халқаро муносабатларда ўзининг тинчликсевар позициясига алоҳида аҳамият қаратди. Шу билан биргаликда, ўзарo манфаатли ҳамкорлик cиcетати орқали ҳар бир давлат учун нуфузли ва cалоҳиятли ҳамкорoга айлана олди.

Ҳозирда Афғонистондаги воқеалар ривожли асосида кўплаб давлатлар ўз

миллий манфаатларига эришиш йўлида катта cиcетас олиб бормoқда. Ўзбекистон эса, кўпроқ халқ дипломатиясига устуворлик қаратмoқда. Бу ёндашув Афғонистонни халқаро ҳамжамиятдан ажратиб қўйишдан кўра, уни минтақавий жараёнларга жалб этишга ундамoқда.

Шу ўринда, Ўзбекистоннинг 2017-2021 йиллар давомида илгари суриб келган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида минтақавий ҳамкорликка хизмат қилувчи бир қатор ташаббусларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, Марказий Осиёдан Ҳинд океани портларига чиқадиган трансaфғон транспорт коридорлари (“Мозори-Шариф — Кобул — Пешавор” ҳамда “Мозори-Шариф — Ҳирот” темир йўллари), “Сурхон — Пули Ҳумри” электр узатиш тармоғи, Термиз халқаро савдо маркази, Ўзбекистон ва Афғонистон чегараолди эркин иқтисодий зоналари барпо этиш каби ийрик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмoқда. Буларнинг барчаси нафақат мамлакат конструктив дипломатиясининг ютуғи, балки Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўра биладиган раҳбар эканидан ҳам дaлолатдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига ҳам ўз ҳиссасини қўша бошлади. Шу билан бирга, Шавкат Мирзиёев Фарб билан муносабатларини ривожлантирмoқда. Ўзбекистоннинг кўп векторли ташқи cиcетати мамлакатни сармоядорлар учун жозибадор қилиш имконини бeрмoқда. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ташқи cиcетати мамлакатни иқтисодий ривожлантириш мақсадларига хизмат қилаяпти.

Ўзбекистон давлатларнинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳўрмат қилиши асосида халқаро ҳамжамият эътирoфига сазовор бўлмoқда. Бу бевосита Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида эришилиши кўзда тутилган иқтисодий натижалар билан ҳам чамбарчас bogлиk. Зeрo, Ўзбекистон ҳўкумати ташқи cиcетасда шаклланган муносабатларни сармояга айлантиради ва бу bosқич-ма-bosқич мамлакат oрзусини рўёбга чиқаради.

Марказий Осиё — Каспий — Кавказ — Туркия — Европа орқали Ҳитой, Россия, Турк дунёси давлатлари, халқаро ташкилотлар билан икки томонлама aloқаларини ривожлантирган Ўзбекистон “Ўрта коридор” орқали Фарбга йўл очади. Чунки Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида барча давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувга катта аҳамият берилган.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЯНГИЧА МУЛОҚОТ ФОРМАТИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

“**БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА БОР ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА БЕЛ БОҒЛАГАН. ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН, У 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”НИ ЯРАТИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ. БУ, ЎЗ НАВБАТИДА, ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРКИЯЛИК САРМОЯДОРЛАР СОНИНING ОШИШИГА ТУРТКИ БЎЛИШИ ШУБҲАСИЗ.**

— Туркияда Тараққиёт стратегиясига ўхшаш ҳужжат борми? Агар бўлса, унинг фарқли жиҳатлари ёки ўхшашликлари нималардан иборат?

— Ривожланишни мақсад қилган мамлакатлар иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда, асосан, маҳаллий ва хорижий инвесторларга ишонч билдирган ҳолда тараққиёт режаларини илгари суради. Бинобарин, Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси орқали танлаган йўли кўплаб давлатлар ўз имкониятларини оқилona таҳлил қилиш орқали эриша оладиган салоҳиятга эришиш учун афзал кўрган усулдир. Инчунун, Туркияда ҳам тараққиёт стратегиялари бўлган, жумладан, биринчиси 1963-1967 йилларда ишлаб чиқилган. Шундан сўнг Туркия 1968 йилдан бошлаб то 2012 йилгача 10 та турли тараққиёт режаларини қабул қилди. Ўн биринчи тараққиёт режаси 2019-2023 йилларни ўз ичига қамраб олган.

Агар мазкур режаларнинг мазмун-моҳиятига назар ташланса, унда халқаро бозорлар билан bogлиk глобал тенденциялар муҳокама қилингани ва Туркиянинг ушбу тенденциялардаги ўрни умумлаштирилгани аён бўлади. Кейин ҳужжатларда секторлар бўйича таҳлиллар ўтказилади. Шу нуқтаи назардан, мақсадлар аниқлаштириб олинади ва уларга эришиш cиcетати белгиланади. Тараққиёт стратегияси ҳужжатлари билан бир қаторда, Туркия томонидан 2023, 2053 ва 2071 йилларга мўлжалланган истиқболлар ҳам мавжуд. Ҳар бир давлат учун ўрта ва узоқ муддатли келажак прогнозларига эга бўлиш муҳим саналади.

Ушбу тараққиёт режалари ва концептуал ҳужжатлар орқали Туркия ҳўкумати қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, эркин бозорни ривожлантириш ва демократияни тараққиёт этиришини ҳамisha аввалги ўринларга қўйиб келган. Албатта, ушбу мақсадларнинг рўёбга чиқиши таъминланади ва турк халқининг турмуши янада фаровонлашади.

Назаримда, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Туркиянинг тараққиёт режа ва истиқболлари билан жуда ўхшаш. Шу маънода, ҳар икки давлат ҳам ўз халқининг тинч ва фаровон турмуши учун хизмат қилишни, жаҳон иқтисодиётининг қудратли дастагига айланишни мақсад қилган.

— 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшадими? Бу борада ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Шавкат Мирзиёевнинг Президент этиб сайланиши Туркия ва Ўзбекистон муносабатларида муҳим воқеа бўлди, десам асло муболага бўлмайди. Мамлакатларимиз ҳамкорлиги, айниқса, сўнгги беш йилда анча жонланди. Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябрда Туркияга ҳамда Режел Таййип Эрдоғанин 2018 йил апрелда Ўзбекистонга давлат таширфлари ўзарo cиcетий ишончни мустаҳкамлаб, самарали ҳамкорликка кенг йўл очди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик кенгашининг ташкил этилиши икки давлат ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнади. Албатта, бу ўзгаришларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳиссаси катта. Зeрo, Ўзбекистон раҳбари 2020 йилда Туркияга таширфи чоғида бундай дeган эди:

“**Сўнги икки йилда амалга оширган ишларимиз келажакда тарихнинг зарҳал саҳифаларига муҳрланишига ишончимиз комил. Буюн бўлиб ўтган олий даражадаги Стратегик шериклик кенгашининг биринчи ййгилиши дўстона муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очди.**

Ҳа, таъкидлаш жоизки, бу кенгаш икки томонлама муносабатлар тарихида

янги мулоқот форматидир. У 2018 йилда давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотига мувофиқ тузилган.

2021 йилда Президент Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти саммитида иштирок этиш учун Туркияга таширф бурюди. Ташриф чоғида Ўзбекистон раҳбари қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

“**...Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистоннинг қардош давлатлар билан умумий савдо айланмаси икки барабар кўпайди. Қолаверса, кўрсаткичлар бузунги салоҳиятимизга мутлақо муносиб эмас, десак хато бўлмайди... Аъзо мамлакатларда, хусусан, Туркияда бу соҳада тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, “ақлли шахарлар”ни қуриш ва инновацияларни ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш учун экспертлар ва IT-мутоахассислар учун доимий платформа яратиш муҳим аҳамиятга эга...**”

Мана, қуни кеча Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркия Президенти Режел Таййип Эрдоған расмий таширф билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф доирасида олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик кенгашининг иккинчи ййгилишида икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар натижаси ҳамкорлик ривожига яққол намоён бўлмоқда. Масалан, кейинги йилларда ўзарo товар айирбошлаш 2,5 баробарга ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Туркия инвестицияси иштирокида 1500 дан зиёд корхона фаолият юритиб, 500 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Эътироф этиш керакки, бу жараёнлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида ҳам изчил давом этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Туркияга мис, плита, рух, нефть мойлари, ўғит, консерва маҳсулотлари, олтин, кўрғошин, ипак экспорт қилмоқда. Туркиядан эса дори-дармон, трейлер, пластмасса буюмлар, тозалаш воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш машиналари импорт қилинмоқда.

Бугун Ўзбекистон ҳўкумати иқтисодий ривожлантириш йўлида бор имкониятларидан самарали фойдаланишга бел боғлаган. Шу нуқтаи назардан, у 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида “Йўл харитаси”ни яратишга муваффақ бўлди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда туркиялик сармоядорлар сонининг ошишига туртки бўлиши шубҳасиз.

Бу борада бизда ҳам катта рағбат бор. Умуман олганда, Туркия ўз тадбиркорларининг Ўзбекистонга инвестиция киритишини ҳамisha қўллаб-қувватлаб келган. Зeрo, Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги ўзарo манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш стратегик муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз зарур.

“**Тараққиёт стратегияси” маркази бўлиги бошлиғи Анвар ШЕРОВ сўхбатлашди.**

“**БУГУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ “УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИ” ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР БЎЛГАН, ФАРОВОН ЖАМИЯТ ҚУРИШГА ИНТИЛУВЧИ ОҚИЛОНА СТРАТЕГИЯГА АСОСЛАНАДИ. БУ СТРАТЕГИЯ ҲАМДА УНДА БЕЛГИЛАНГАН “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ЖИДДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚАТЪИЙЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.**



МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ — ЭНГ УЛУҒВОР МАҚСАД




Содиқ ТОШБОЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмита раиси

▶ Бошланиши 1-бетда

Улар янгиланаётган, инсон эрки ва ҳуқуқлари қадрланадиган юртимизда янги ҳаёт бошлади.

Давлатимиз раҳбари Наврўз умум-халқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “**Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида**”ги фармонни имзолади. Хужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 75 фуқаро афв этилганини эътироф этиш жоиз.

Виждон ва дин эркинлигини таъминлаш Ўзбекистон юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Шу боис, сўнгги йилларда юртимизда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар кечмоқда. Бу борада виждон эркинлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонунийликни инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозалар асосида тақомиллаштириш ҳам ислохотларнинг энг долзарб вазифаларидан, деб қаралмоқда.



Инсон қадри
улуғланаётган юртимизда
Президентимиз 2021 йил
5 июлда имзолаган
“Виждон эркинлиги ва
диний ташкилотлар
тўғрисида”ги янги
қонун қабул қилинган
жамиyatдаги жуда
кўп масалаларни
ечди. Мазкур ҳужжат
ўзининг халқчиллиги,
жамиятдаги барча
масалаларга энг
ҳаққоний ва адолатли
жавоб бериши билан
аҳамиятлидир.

Янги тахирдаги ушбу қонун АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа илгор давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича марказлари ҳамда халқаро ташкилотлари мутахассислари тақлиф ва тавсияларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилди. Янги қонуннинг олдингисидан асосий фаркли жиҳатлари шундаки, унда фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатлари кучайтирилди, ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлашнинг янги механизмлари жорий этилди, шунингдек, давлатнинг дин ишлари бўйича сиёсати тақомиллаштирилди.

Яна бир асосий жиҳат — диний таълим тизимидаги янгиликлар алоҳида муҳим ўрин тутди. Ислом дини ривожий йўлида бекиёс хизмат қилган буюк боларимизнинг диний ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази очилган. Шунингдек, учта йирик олий диний таълим ва 10 та ўрта махсус ислом билим юрти фаолият юритмоқда.

Айниқса, ўзининг маҳобати ва Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйлаётган юртимизда илмий салоҳияти туфайли маърифат масканига айланиши кутилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази хусусида

алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Зотан, халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодни миллий ва умум-башарий қадриятлар руҳида тарбиялашда бекиёс ўрин тутадиган мазкур илм-маърифат маркази ҳозирданок ўз маҳобати, амалга ошираётган маънавий, илмий-тадқиқот фаолияти билан бутун дунё хавасини келтирмоқда.

Юртимиз аҳолисининг диний-маърифий эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда бир неча диний олий таълим муассасаларида “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курслари ташкил этилгани янада аҳамиятлидир. Бу билан аҳолининг диний билимларини эгаллашга эҳтиёжи тўлақонли таъминланишига эришилмоқда. Айни пайтда мазкур курсларда аҳолининг турли қатламлари ва турли ёшдаги юзлаб тингловчилар тахсил олмақда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъияти, ташаббуси билан Ҳаж ва Умра зиёрати



қайта тикланди. Пандемия туфайли ушбу муқаддас диний амалларни бажариш имконияти чекланган эди. Бироқ юртимизда бу мураккаб вазиятни бартараф этишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли динимизнинг муқаддас амалларини бажариш имконига эга бўлди.

Мазкур ислохотлар кўп миллатли халқимиз ҳаёти, фаровон турмуши, ёрқин истиқболи, фарзандлар камолоти ва орзу-истаклари рўйида ўз ифодасини топмоқда.

Ислохотлар халқаро майдонда кенг эътироф этилмоқда

Тўғри йўл доимо эзгуликка етаклайди. У бир оз машаққатли, синовларга бой бўлиши табиий. Юртимиздаги диний-маърифий соҳадаги ислохотлар нафақат ватандошларимиз, балки халқаро майдонда нуфузли инсонлар томонидан эътироф этилаётгани кўзгонилади. Жумладан, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Тошкентдаги фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Юсуф ал-Утайбий билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот давомида сўнгги йилларда ислом илм-фани ва маданиятининг бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, энг муҳими, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш учун халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва бошқа таълим муассасалари ташкил этилиши муҳим қадам экани алоҳида қайд этилди.

Дўстона кайфиятда ўтган суҳбат давомида Юсуф ал-Утайбий сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда ривожланиб бораётганини таъкидлади. У Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида диний-маърифий соҳада кечаётган ислохотларга юқори баҳо берди. Таълим, фан, маданият йўналишларида ҳамкорлик алоқалари мунтазам ривожланиб, икки томонлама шериклик муносабатлари янада мустаҳкамланаётгани, Ўзбекистон Саудия Арабистони учун муҳим ҳамкор экани эътироф этилди.

Мисрдаги қатор олий таълим ва илмий-тадқиқот марказлари, жумладан, Таълим, фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти — ICESCO билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси дўстона муносабатлар ўрнатган.

2021 йил декабрь ойида Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида 60 дан зиёд аъзо давлат иштирокида ICESCO ижроия кенгазининг 42-сессияси ҳамда XIV бош конференцияси бўлиб ўтди. Маз-

кур анжуманда юртимиз делегацияси ҳам фаол иштирок этди.

Ташриф давомида Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари ўринбосари Абдурахмон Муҳаммад Дувайний жаноблари ислом цивилизацияси ривожига Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Муин Насафий каби ўзбек алломалари ҳиссаси алоҳида эканини, Ал-Азҳарда ўқийдиган ҳар бир талаба Абу Баракот Насафийнинг “Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил” асарини мутлола қилиши, уни чуқур ўрганиши талаб этилишини билдирди.

Шунингдек, конференция давомида ICESCO Бош котиби Салим Малик ташкилотга аъзо давлатларнинг ишларини таҳлил қилар экан, энг тартибли аъзо давлатлар қаторида Ўзбекистонни эътироф этиб, ICESCO Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан мамнунлиги, рақамли технологиялар, космик тадқиқотлар ривожига юртимиз алломалари, хусусан, Хоразмийнинг бекиёс ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади.



“Бугунги рақамли технологиялар ривожига, айниқса, фазо илмлари, космик тадқиқотлар тараққиёти учун инсоният, энг аввало, Хоразмийга таъзим қилиши керак. Зеро, VIII-IX асрларда яшаган қомусий аллома Хоразмийнинг илм-фандаги кашфиётлари ва у киши қўйган мустаҳкам пойдевор бугунги кунга келиб муҳташам мажмуага айланди”, дея қайд этди Салим Малик.

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги йўлида

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий бўҳронлар туфайли мафкуралар тўқнашуви кескин тус олмақда. Бундай вазиятда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис, жорий йил давомида юртимиз бўйлаб аҳолини қадимий бой тарихимиздан бохабар қилиш, Ватанимизга муҳаббат, юртимиздаги ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш мақсадида соҳа мутахассислари томонидан “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.


Мазкур тадбирларда иштирок этган экспертлар юртдошларимизга ҳаётий мисоллар, турли ибратли ҳикоятлар орқали ўз фикр-мулоҳазаларини етказмоқда. Учрашувларда миллий ўзлгимиз, асрий қадриятларимизга салбий таъсир кўрсатаётган “оммавий маданият” ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм ва терроризм таҳдидларидан хабардор бўлиш кераклиги таъкидланаётди.

Ислом динининг инсонпарварлик, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадлари ҳамда интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган ғоявий хатарлар, глобализм даврида турли мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалаларида сўз юритилиб, ушбу жараёнда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлиги қайд этилмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси барчамизни янада бирлаштирди

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида шаҳар ва қишлоқларимизда жорий йил 1 мартдан эътиборан ўтказилаётган “Яшил йиллик” умуммиллий тадбири юртимизда яшаётган турли

миллат ва диний конфессиялар вакиллари яна мақсад атрофида бирлаштирди.



Эзгу мақсаднинг амалий қадамлари ўларок, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 16 конфессия вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда ирқ, миллати, диний эътиқодга мансублигидан қатъий назар, барча юртдошларимизни “Яшил йиллик” умуммиллий тадбирида фаол бўлишга ундовчи баёнот қабул қилинди.

Мамлакат бўйлаб мазкур тадбир доирасида ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатлар танланиб, уларни етиштириш учун кўчатхоналарни қўпайтириш ҳамда аҳолига камида 10 миллион дон мевали ва манзарали дарахт кўчатини бепул тарқатиш белгиланди. Қувонарлиси, хайрли ташаббусга халқимиз чин дилдан хайрохўлликни кўрсатмоқда. Ушбу ташаббуснинг амалга ошишида турли дин ва миллат вакиллари кўлни қўлга бериб, ягона ва аҳил оила аъзоларидек иштирок этиши муҳим.

Рус православ черковининг Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари Митрополит Викентий мазкур баёнот ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди: “Шу юртни обод қилиш, унинг яшиллигига ҳисса қўиш, табиатни соф ҳолда асраш, диний эътиқодидан қатъий назар, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ушбу эзгу мақсад йўлида барчани ҳамжихат бўлишга ва ташаббускорликка чақирамиз. Таъкидлаш лозимки, ҳар бир самовий динда табиатга оқилона муносабат, уни асраб-авайлашга қаҳириқ бот-бот тақрорланади. Бу даяватга “лаббай”, деб жавоб қилиш бизнинг вазифамиздир”.

Бундан ташқари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини қўллаб-қувватлаш, ушбу хайрли ташаббус доирасида ҳудудларни ободонлаштириш, кўчат ва гуллар экишни тарғиб этишга қаратилган баёноти қабул қилинди.

Бу каби хайрли ишларда ҳар биримиз камарбаста бўлиб, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, юртимизни покиза сақлашга муносиб ҳисса қўишимиз зарур. Айниқса, дунёда рўй бераётган иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар, феоциалар қаршисида инсониятнинг ожиз қолаётгани, биздан талаб этиладигани незматларга шукр қилиб, уни асраб-авайлашга туртки беради.

Сўнгги сўз ўрнида

Оммавий дидсизликка тарғиб, миллий зеҳният ўтмаслашишига етакловчи ҳаракатларга рағбатнинг гоҳ яширин, гоҳ ошкора шаклда кучайиб бориши кузатилаётган глобал маконда миллий ўзликини англаш туйғуси тобора сиқалашиб, тундлашаётгандек. Бу борада улуг аждодларимиз фаолияти ва меросидан фахр туйишининг ўзига камлик қилади. Негаки, ўша илмий мероснинг қадр-қимматини англамай, улар билан шунчаки фахрланиш билан узоққа бориб бўлмайди.

Аввало, имкон қадар мазкур маънавий меросдан баҳраманд бўлишимиз керак. Бу йўлда соҳанинг билимдонлари, аҳли илм — устозларнинг билими бизга асқатади. Буюк алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганишга мўлжалланган халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази каби йирик илм-фан лойиҳалари бунёд этилиши мана шу жиҳатлари билан ҳам эътиборга молик. Ушбу марказлар улуг алломаларимиз меросини ўрганиш, ҳаётга татбиқ этишда, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда Уччинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек улуг мақсадлар рўёби йўлида ҳал этувчи илмий-амалий маскан сифатида бўй кўрсатади.

“Инсон қадрини улуғлаш” ҳақида сўз борар экан, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар миллат, халқ манфаатларини таъминлашга, унинг қаддини кўтаришга хизмат қиладиган чора-тадбирлар билан ҳамоханликда, уйғунликда олиб борилса, мақсадга мувофиқ. Қаддини ростлаган халқ она Ватани қадрини юксакларга кўтара олади. Пировардида, ҳар бир юртдошимиз қадр топади, халқни рози қилишдек улуғвор мақсад амалга ошади.

ЖАРАЁН

Президентимизнинг 2021 йил 4 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилнинг илк кунидан мамлакатимиздаги 9 минг 259 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчилари иш бошлади.

ЧИҒИРИҚЛИКЛАРНИНГ ҚАДРОНИ, ЯҚИН КИШИСИ

Қарорда ҳоким ёрдамчилари хонадонма-хонадон юриб, оилалар аҳолини ўрганиш давомида аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўриши, шунингдек, сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини белгилаши лозимлиги кўрсатилган.

Нурафшон шаҳрининг Чиғириқ маҳалласида фаолият кўрсатаётган ҳоким ёрдамчиси Одилжон Отауллаевнинг асли мутахассислиги иқтисодий. Шунинг учун маҳалланинг иқтисодий аҳолини яхши тушунади, теран ҳис қилади.

— Ҳоким ёрдамчиси ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаини яратишга қўмаклашиш учун маҳалладаги тадбиркорлар билан фаол ҳамкорлик қилиши лозим, — дейди Одилжон Отауллаев. — Мен республика вакиллари билан биргаликда ўзимга бириктирилган маҳаллани ривожлантириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқдим ва бугун унинг ижросини таъминлаш ҳаракатидаман.

Ҳоким ёрдамчиси ишни уйма-уй юриб, аҳолини ҳатлов қилишдан бошлади. У 312 та хонадонда бўлиб, 22 киши ишсиз экани ва 38 оилада муаммолар борлигини аниқлади.



Махфуза Исоқова. — Гоҳи-гоҳида буюртмаларни бажаришга жисмоний ва техник жиҳатдан улғура олмайми. Маҳалламиздаги ёш қизлар ва келинлар орасида қўли-гул чеварлар бисёр. Ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан улар яқинда касаначилик асосида оилавий корхонамизга буюртма беришни бошлашди.

Томорқа даромад манбаи, рўзгорнинг баракаси. Бунчи чиғириқликлар теран тушуниб етгани учун ерни ҳеч бўш қолдирмайди. Йилнинг қай фасли, қай мавсуми бўлмасин, экин-тикин ишлари билан машғул бўлади. Шу боис, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Чиғириқ маҳалласида 4 та хонадонга субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди.



“ОДИЛЖОН ОТАУЛЛАЕВНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТИ ТУФАЙЛИ ЎТТАН ҚИСҚА ФУРСАТ ИЧИДА 30 НАФАР ЧИҒИРИҚЛИКНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ. БУНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШИГА КАТТА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ. 2022 ЙИЛНИНГ ДАСТАБКИ 2 ОЙИ МОБАЙНИДА 9 НАФАР ЧИҒИРИҚЛИК КРЕДИТ ОЛИШ БЎЙИЧА МУРОЖААТ ҚИЛГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ 4 НАФАРИГА 132 МИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ.

— Ўн бир йилдан буён ижара жойда автомобилларга техник хизмат кўрсатиб келаётган эдим. Энди фаолиятимни шахсий тадбиркорлик субъектида давом эттириш имконияти пайдо бўляпти, — дейди “Jaloliddin Mansurbek” оилавий корхонаси раҳбари Бобур Абдусаматов. — Гап шундаки, бир неча йилдан буён банклардан кредит олишда муаммога дуч келаётгандим. Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан 120 миллион сўм кредит олишга ҳужжат тайёрладик. Бу иш амалга ошса, ўнга яқин иш ўрни яратаман.

Одилжон Отауллаевнинг саъй-ҳаракати туфайли ўтган қисқа фурсат ичида 30 нафар чиғириқликнинг бандлиги таъминланди. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилишга катта аҳамият қаратилди. 2022 йилнинг дастлабки 2 ойи мобайнида 9 нафар чиғириқлик кредит олиш бўйича муурожаат қилган бўлса, уларнинг 4 нафарига 132 миллион сўм кредит ажратилди.

Бундан ташқари, айнан маҳаллада ва маҳаллага туташ ҳудудларда жойлашган корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик туфайли 11 киши ишли бўлди.

— Бир неча йилдан бери тикув фабрикасида иш юритувчи бўлиб ишлайман, — дейди “Матлуба опа” оилавий корхонаси иш юритувчиси

— Эсимни танибманки, деҳқончилик билан шугулланаман, — дейди Шухрат Абдухамидов. — Томорқамизнинг 1 сотихига текинча иссиқхона қуриб беришди. Бу иссиқхона ҳовлимиз кўрмага, рўзгоримиз баракасига айланди. Энди даромадимиз янада кўпаяди. Ҳозир помидор ва бодринг пишши арафасида.

“Аёллар дафтари”да рўйхатда турган чиғириқлик 20 нафар аёлнинг Зангиота зиёратгоҳига саёҳати ва Муқимий номидидаги мусиқали драма театрига ташрифи ҳам айнан ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан ташкил этилди. Бундан ташқари, “Шоҳ дил” оилавий корхонаси билан ҳамкорликда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Чиғириқ маҳалласининг Тошкент йўли кўчасига 80 туп павлония кўчати экилди.

Чиғириқликларнинг турмуши мана шундай кечмоқда, улар юксалиш ва фаровонлик манзиллари сари илдам одимламоқдалар. Бунда уларга маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Одилжон Отауллаев елкадош бўляпти. У аллақачон чиғириқликларнинг қадродони, энг яқин кишисига айланиб улғурди.

Отабек ИСРОИЛОВ,
журналист

НУҚТАИ НАЗАР

Учинчи ўзбек Ренессанси

шунчаки “мозий сари юзланиш” эмас



Темур ЖҲРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Ўз-ўзидан, нега бугун янги Ўзбекистон истиқболлини Уйғониш даври билан муштарак кўряпмиз, унга эришиш учун замонавий инновацион технологияларни интенсив жорий қилишнинг ўзи кифоя қилмайдими, қатор давлатлар шу йўлни танлади-ку, каби саволларга дуч келамиз. Ҳолбуки, барча ўзбекистонликни ҳаракат-га келтирадиган ўзига хос интеллектуал омил нималигига аниқлик киритиш учун эътиборни Ренессанс концептига қарат-сак, тўғри йўл тутган бўламиз. Зеро, янги Ўзбекистон қандай бўлиши, унинг ҳозирги глобал тарихий тараққиётга қай даража-да ҳисса қўша олиши устувор даражада айнан шу феномен билан боғлиқ.

Ренессанс муайян ҳудуд ённки мин-тақада қутилмаганда пайдо бўлган маёқ сингари ҳамманинг эътиборини ўзига қаратади. У ёки бу вақтда инкубацион давр ниҳояланиб, амалиётга айланади. Ут-мишга назар солсак, Европа тарихининг турғун палласида, яъни XIV асрда Ита-лияда юз берган маънавий юксалиш — Ренессанс илғор фикрли жамоатчилиқда ҳақли равишда қизиқиш уйғотганига амин бўламиз. Ўз даврининг илғор вакиллари ушбу Уйғониш даврининг баъзи ўхшаш жиҳатларига қараб, уни қадимги Юно-нистонда илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида юз берган кенг қамровли маъ-навий юксалишга қиёсан “қадимиятнинг уйғониши”, деб тавсифлади. Яна бир мутафаккир “XIV асрнинг мозийга қайти-ши”, деб баҳолади. Шундай қилиб, Ита-лияда қузилган Уйғониш феномени французча “Ренессанс” атамаси билан илмий жамоатчилик кўнглидан жой олди.

Ўзбекистон давлат сифатида башариятга ўз тараққиётида янги палла — миллий юксалиш даври бошланганини эълон қилди. Бироқ унинг нима экани, замирида нималар мужассамлиги ва ниҳоят, истиқболи қандай бўлиши ҳақида ҳаммамизда ҳам тўлиқ тасаввур шаклланган эмас. Зеро, жамият кўп жиҳатдан илгари босиб ўтилмаган даврга ўтмоқдаки, бу ҳаққоний реаллик ва тарихда турли халқлар ҳаётида қузилган. Бундай глобал трансформациянинг ўқ томири, шубҳасиз, Учинчи Ренессанс. Натижада миллий юксалиш, янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш бир вақтда улкан тарихий жараён сифатида ўзаро уйғунлик касб этмоқда.

Ренессанс кенг маънода, биринчи навбатда, миллат ёки давлатнинг қутил-маганда бошқаларга нисбатан тез интел-лектуал ва маънавий юксалиш чўққисига чиқиши, барча жаҳада яратувчанлик қобилияти намоён бўлишидан иборат. Бу ўринда гап миллатнинг табиат инъом эт-ган ресурслар ҳисобига эмас, балки ўзи кашф этган, ўзи бунёд этган замонавий инфратузилма эвазига ўз давридан ўзиб


“

РЕНЕССАНС МУАЙЯН ҲУДУД ЁНКИ МИНТАҚАДА ҚУТИЛМАГАНДА ПАЙДО БЎЛГАН МАЁҚ СИНГАРИ ҲАММАНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ЎЗИГА ҚАРАТАДИ. У ЁКИ БУ ВАҚТДА ИНКУБАЦИОН ДАВР НИҲОЯЛАНИБ, АМАЛИЁТГА АЙЛанади. УТМИШГА НАЗАР СОЛСАК, ЕВРОПА ТАРИХИНИНГ ТУРГУН ПАЛЛАСИДА, ЯЪНИ XIV АСРДА ИТАЛИЯДА ЮЗ БЕРГАН МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ — РЕНЕССАНС ИЛҒОР ФИКРЛИ ЖАМОАТЧИЛИҚДА ҲАҚЛИ РАВИШДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТГАНИГА АМИН БЎЛАМИЗ.

кейтиши ҳақида бормоқда. Шу йўсинда давлат ривожини ҳам дунё тараққиётга тамомла янгилик билан кириб боради.

Хўш, Учинчи Ренессанснинг бунёд этишда Ўзбекистон фуқароларининг зиммасидаги масъулият нималардан иборат ва маданий уйғониш қандай ре-сурслар ҳисобига рўёбга чиқади, деган савол туғилади. Жаҳон тажрибасида бунга ҳам жавоб бор.

Бизнингча, унга доир учта умумсайё-равий равишда баён бўлганча маълум. Улар-дан бири — шу юрда, яъни Ўзбекисто-нимизда узок ва яқин ўтмишда яшаган ота-боболаримизнинг йиғма интеллек-туал ҳамда маънавий қуввати даражаси. Илм-фаннинг барча жаҳасида ажод-ларимиз асрлар оша Учинчи Ренессанс учун етарли беназир интеллектуал ин-фратузилмани бугунги авлодга қолдириб кетди ва бу мерос башарият томонидан аллақачон тан олинган, эътироф этил-ган. Демак, бу улкан тарихий-маданий



қила олиш қудрати ва турлича фикр-ловчи фуқароларни ўзининг ҳамқори ва фикрдоши деб ишонишига чамбарчас боғлиқ. Айни пайтда бунини халқимиз чуқур англагани шубҳасиз.

Янги Ўзбекистонда Учинчи Рене-санснинг кафолатловчи учинчи муҳим омил халқ тарихининг бардавомлиги, дунё саҳнасига чиқишидан бугунгача башарият кемишига дахлдорлиги би-лан боғлиқ. Дарҳақиқат, миллий давлат-чилигимиз уч минг йиллик тарихга эга. Танамизда қони оқаётган ажодларимиз биринчилардан бўлиб ўз давлатига эга бўлган камдан-кам халқлардан бири. Уша кезлардан эътиборан улар дунё тарихининг фаол иштирокчисига айлан-ди. Улар бир пайтлар қандай ном билан аталган, қайси тилда сўзлашгани ва қай динга мансуб бўлганидан қатъи назар, бугунги авлод учун тарихий юрдош бў-либ қолаверди. Ренессанс феномени нуктаи назаридан бир гўшада яшаб, ўз-лигини, давлатчилик қиёфасини минглаб йиллар мобайнида асраб, бугунгача етиб келган халқларда маданий юксалиш қў-вати барқарор ва бардавом бўлади.

Ажодларимиз юксак чўққиларни забт этиб, зафар қучган ёки қадди буюқлан паллалар ҳам бўлди. Бир неча ўзи йил-лар жаҳон маданий жараёнига сарбон-лик қилгани ҳолда муайян давр барча

интеллектуал ва маънавий ресурслардан мосуволлини ҳам ичига ютди. Бугунги авлод фаровон ва эркин яшаётган замин минг йиллар давомида маданиятлар, ци-визациялар, илм-фан ютуқларининг кесишув ва ўзаро бойиш майдонига ай-ланиб, бир муддат душман оёғи остида топталди ҳам. Бироқ бу ерда ҳеч қачон маънавий юксалиш сари интилиш асло тўхтаган эмас. Буюк мутафаккирлари-миз, саркардаларимизнинг муборақ на-фаси билан сўғорилган бу гўша бугун янги Ўзбекистоннинг, Учинчи Ренессанс-нинг бешигини тебратмишга ҳозирлик кў-рмоқда.

Ўртимиздаги кенг қўламли бунёдкор-лик ишлари, илм-фан, санъат адабиёт, умуман, маданий-маънавий жаҳа риво-жга қаратилаётган ҳар томонлама эъти-бор, соҳа вакиллари салоҳиятини давр талаби даражасига кўтариш, ҳуллас, ин-сон капиталига қаратилган барча ишлар мамлакатимиз ривожига сифат жиҳат-дан янги давр бошланганидан гувоҳлик бермоқда. Мулоҳазалар якунида яна бир қарра Учинчи Ўзбек Ренессанси устувор даражада миллий-маданий юксалиш хо-дисаси эканини таъкидлаш жоиз. Зеро, унинг учун зарур замонавий воситалар — инновация ҳам, технология ҳам инсон меҳнати, интеллекти, ҳуллас, маданий салоҳияти натижаси ҳисобланади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 70-мақсади ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган. Шу мақсаддаги чора-тадбирларни 13 йўналишда бажариш белгиланган. Уларнинг ҳар бири болаликдан соғлом камолотга қадар, илму ҳунар эгаллашдан жўшқин ҳаётга томон бўлган йўл кафолатини таъминлашга қизмат қилади.



Алижон ЯХШИЕВ,
Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги
Бухоро вилояти ҳудудий
бошқармаси бошлиғи

Жўшқин ҳаёт кафолати

Бу жиҳатлар Ўзбекистонда ёшларга, улар-нинг келажагига юксак эътибор қаратилиб, билим олиши, истеъдодини намоён этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган дейишга асос бўлади.

Бугунги кунда бухоролик ёшлар ҳаёти ва дунёқарашидаги ўзгаришлар, уларнинг соғлом келажаққа интилиши, Ватанимиз равнақиға ҳис-са қўлиши истаги ҳам таҳсинга лойиқ. Бу ҳақда гапириш аввалида муваффақиятга эришган ва ҳаётда ўз ўрнини топган таниқли шахсларнинг яшаш фалсафасига эътибор қаратсак: улар ўқиб-изланишдан тўхтамайди, қийинчиликлар-га бўйин эгмасдан, доимо сабр билан ҳаракат-да бўлади.

Айни дамда Ўзбекистонда ҳам масофадан ту-риб ишловчилар сони кўпаймоқда. Албатта, ма-софадан туриб ишлаш ҳар икки томон учун қу-лай. Бундай фаолият тури фрилансерлик, яъни бирор касб эгасининг маълум бир корхонага бевосита боғлиқ бўлмасдан, мустақил равишда лойиҳа ва вазифаларни белгиланган муддатда келишилган пул эвазига бажариб беришидир.

Фрилансерлиқни дастурлаш соҳаси юқори чўққига олиб чиқди. IT фрилансери бўлиш учун дастурлаш ва инглиз тилини чуқур ўрганиш та-лаб этилади. Бунинг учун интернет тармоғида хорижий ва дастурлаш тилларини ўргатадиган бепул ўқув курслари кўп. Чет тилларни бепул ўргатадиган duolingo.com, дастурлаш йўналиши бўйича code.org, uzbekcoders.uz, mohirdev.uz ёки rper.uz сайтларидан фойдаланиш мумкин.



Шунингдек, IT-паркнинг таълим хизматларини кўрсатадиган резидентлари орқали ахборот технологиялари йўналишида малака ошириш имконияти мавжуд.

Шу ўринда мамлакат миқёсида биринчи бў-либ ташкил қилинган халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгазининг расмий e-kengash.uz веб-сайти IT-парк резиденти ҳисобланган “IT Education Leader” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурил-ган 5 та муҳим ташаббусдан учинчисининг аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни таш-кил этишга қаратилгани ҳам бежиз эмас. Мазкур ташаббус ижросини таъминлаш, яъни аҳоли, шу жумладан, ёшлар ўртасида компьютер техноло-гиялари ва интернет жаҳон ахборот тармоғидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақса-дида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жами 12 та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилган. Уларда айни пайтда 25 нафар мутахассис фаолият олиб бормоқда.

Бу марказларда ёшларга ахборот технология-лари, дастурлаш, робототехника, киберспорт асослари ҳамда электрон тижорат каби йўна-лишларда билим ва кўникмалар берилмоқда. Бугунги кунга қадар 2398 тингловчи компьютер саводхонлиги, веб дастурлаш, мобиль дастур-лаш, график дизайн, робототехника, киберспорт ва “IT-English” каби турдош йўналишлар бўйича таҳсил олиб, сертификатларга эга бўлди.

Бухоро туманидаги Рақамли технология-лар ўқув марказини веб дастурлаш йўналиши бўйича 2021 йил май ойида битириб, серти-фикат олган Озодбек Хотамов бугунги кунда “Felichita” ўқув марказида дастурлаш бўй-ича ука-сингилларига, тендошларига таълим бериб келмоқда. Яна бир битирувчимиз Нозим Раҳимов бугунги кунда “IT PARK” Бухоро филиалида веб дастурлаш йўналиши бўйича ўз фаолиятини олиб борапти.

Ўқув марказларида “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”да рўйхатга олинган 374 нафар тингловчи бепул билим олди, кўникмаларини шакллантирди.

Ёшларни дастурлаш ва ахборот технология-лари соҳасида стартап лойиҳаларга кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро тажри-ба алмашилишини таъминлаш мақсадида вилоят-мизда қўллаб қўриқ-танловлар ташкил этилди. “Идеатон”, “Хакатон”, “Истиқболли IT-лоийҳалар”, “Дастурлашга биринчи қадам”, “Vobkent.Tech”, “Вихого IT EXPO” қўриқ-танловлари ҳамда кибер-спорт мусобақаси шулар жумласидан.

Вилоят ёшларининг ахборот технология-лари ва коммуникацияларига бўлган қи-зиқишини ошириш, дастурлаш йўналишида дастлабки кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, ёшларни “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига жалб қилиш мақсадида туманларда IT-парк ходимлари томонидан мазкур лойиҳа бўйича тарғибот ишлари амалга оширилиб, uzbekcoders.uz платформасидан рўйхатдан ўтиш, электрон дарсларни ўзлаштириш бўйича маҳорат дарслари ўтказилмоқда.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доира-сида www.uzbekcoders.uz сайти орқали бугун-ги кунга қадар 57 минг 735 йигит-қиз рўйхат-дан ўтиб, 36 минг 443 иштирокчи, шунингдек, 28 минг 810 битирувчи сертификатга эга бўлди. Шунингдек, бу лойиҳани кенг тарғибот қилиш мақ-садида вилоятдаги 102 та умумтаълим мактаби, 36 та касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумда тарғибот тадбирлари ташкиллаштирилди.

Бундан ташқари, янги ташкил қилинган Бухоро ахборот технологиялари техникумида ёшларнинг ахборот технологиялари йўналиши-да ўз билимини ошириши учун етарли имконият мавжуд. Ўрта махсус таълим дастурларини му-ваффақиятли тамомлаган битирувчилар олий ўқув юртларида ўз соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтихон-ларисиз яқка тарғиботидаги суҳбат орқали ўқишни давом эттириш ҳуқуқиға эга бўлади.

Утган йилнинг шу даврига нисбатан вилоятда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида фаолият юритаётган корхона ва таш-килотлар сони 15 фоизга ошиб, 341 тага етди. Албатта, ахборот технологиялари соҳасида малакали кадрлар етишиб чиқиши ушбу соҳа-да янги корхона ва ташкилотлар сони ошиши, иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Энг муҳими, юқорида тилга олганимиз ёшларнинг замон билан ҳамнафас ўлгайиши, ватанимиз тараққиёти учун ҳисса қўлиш каби улуг йўлда кенг қўламли имконияتلардан фой-даланиш ҳар бир йигит-қизни катта марралар сари ундайди. Бу йўлда уйғоқ ва сергак руҳ билан яшаш эса ёшларимиздан фидойилик ва дахлдорлик ҳиссини талаб қилади.



Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида сифатли таълимни амалга ошириш вазифаси қўйилган. Бу йўналишда муסיқа таълими ҳам муҳим ўрин тутди. Аслида дунё сўз туйғайли яралган бўлса, инсон жисмига жон муסיқа орқали кирган, деган нақл бор. Муסיқа инсонни эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади ва шунинг учун ҳам ёшлар тарбиясида ўзига хос аҳамият касб этади. Гўзал оҳанглар инсон руҳий оламига бевосита таъсир кўрсатиб, маънавий эҳтиёжларини қондиради, ҳис-туйғуларини бойити.

МУСИҚА ТАЪЛИМИ

ЁШЛАР “ТАНОВАР”НИ ТЎҒРИ КУЙЛАШЯПТИМИ?



Анвар ЛУТФУЛЛАЕВ,
Низомий номидаги
Тошкент давлат
педагогика университети
муסיқа маданияти
факультети декани,
профессор

Дунё мамлакатлари таълим тизимида муסיқа, хонандалик ва рақс санъати уйғун ўқитилади. Ўзбекистонда бугунги кунга қадар мактабгача ва умумий ўрта таълим мактабларида асосий эътибор муайян муסיкий асарни тинглаш ёки ижро этиш ва болаларбоп қўшиқларни куйлашга қаратиб келинган. Энди янгиланиб бораётган муסיқа таълимида муסיқа, хонандалик ва рақс асарлари бўйича назарий билим бериш, уларнинг ижросини ўргатиш ҳамда шу йўналишлар бўйича иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш асосий вазифалардан бўлиши керак.

Ушбу санъат ўқувчиларнинг ёши, жисмоний ва эстетик имкониятларига мос асарларни ўрганиш, уларнинг ижрочилигини ўзлаштириш ҳамда

иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, тарбиялашга асосланади.

Бунинг учун мактабгача таълимдан умумий ўрта таълимнинг якунига қадар ўқувчиларнинг юқорида таъкидланган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда асарлар ўрганилиши ва уларнинг ижрочилиги ўзлаштирилиши тақозо этилади.

Хонандалик санъати мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида ўқитилиши қўтилган самарани бермоқда.

Болаларнинг ёш хусусиятларига мос равишда уларнинг анъанавий, маком ва эстрада хонандалиги асослари билан таништирилиши педагогик жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Хонандаликнинг бу уч йўналиши ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли улар бўйича танланган ашула ва қўшиқлар синфлар кесимида мураккаблашиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Рақс санъати ўқувчилар учун нафақат маънавий тарбия омили, балки уларнинг жисмоний ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки рақс ўқувчиларнинг жисмоний аъзолари ривожлантиради, ёшига мос равишда куч-қувватга тўлишига хизмат қилади. Рақс шу жиҳатдан маънавий ва жисмоний ривожланишнинг муҳим омилидир.

Муסיқа таълимининг бундай уч йўналишда йўлга қўйилиши бугунги жараённинг янгиланган. Бизнингча, мактабгача ва умумий ўрта таълим мактаблари учун ягона “Муסיқа маданияти” янги ўқув дастурини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай дастур болалар муסיқа ва санъат мактаблари ўқув дастурлари билан уйғунлаштирилиши муҳим.

Болалар муסיқа ва санъат мактаблари педагогларининг умумий ўрта таълим мактаблари

ҳамда мактабгача таълим муассалари билан амалий ҳамкорлигини ташкил этиш ҳам ҳозирги кунда долзарб бўлиб турибди. Бунда ушбу мактабларнинг педагоглари назарий ва амалий маслаҳатчи вазифасини бажариши қўтилган самарани беради. Айни пайтда мактабгача ва умумий ўрта таълим мактаблари муסיқа ўқитувчилари “Муסיқа маданияти”ни ўқитишнинг методик жиҳатларини мустақил ҳал этадилар.

Кузатишлар кўрсатадики, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассаларида ўқитилаётган ҳамда ўргатилаётган асарларнинг мазмуни бўйича билим бериш жараёни талаб даражасида эмас. Мисол учун, умумий ўрта таълим мактаблари “Муסיқа маданияти” дарсликларига халқимизнинг машҳур асари “Тановар”ни киритилган. Бироқ у тўғрисида назарий билим беришга эътибор қаратилмаган. Ваҳоланки, ўқувчи бу асарнинг мазмунидан хабардор бўлса, уни ўзлаштириш ва ижро этишда қийналмайди. Аслида



асар номи доира усули бўлган “тановар” (бум-бак) садосидан олинган.

Шу жиҳатдан “Тановар” шўҳ доира усулларига асосланган асар демекдир. Унинг муаллифлари Уста Олим Комилов ва Мукаррама Турғунбоева айнан доира чолғуси усулларидан келиб чиқиб, унга ном берган.

Шу боис, “Тановар” атамаси тантанавор тарзда талқин қилинмаслиги керак. Ана шундай маълумотларни бериш ўқувчиларнинг муסיқа санъати бўйича билим ва кўникмаларини қўтилган даражада ривожлантиради.

Президентимиз ҳар бир ўқувчи бирор чолғу ижрочилигини ўрганиши ташаббусини илгари сурди. Бу ташаббус замирида муסיқа таълимини янги асосларда ривожлантириш ғояси мавжуд. Зеро, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини бирор халқ чолғу ижрочилигига ўргатиш янгиланган муסיқа таълимининг негизларидан бири ҳисобланади.

Мазкур масалада болалар муסיқа ва санъат мактаблари мутахассисларининг умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари билан индивидуал ишлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларини чолғуларнинг хусусиятлари, тузилиши, садопаниш имкониятлари ва ижрочилик услублари билан тўлиқ таништириш самаралидир.

Бизнингча, олий педагогик таълим жараёни якунида муסיқа ўқитувчиларига аниқ бирор чолғу методисти номли қўшимча квалификация беришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда янги муסיқа таълимига эҳтиёж мавжуд. Ушбу жараёнда мавжуд муסיкий — педагогик тажрибаларга танган ҳолда, муסיқа таълимини янгилаш йўлидан бориш муҳим вазифалардандир.

ТОПИЛМА

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАНГАЛАРИ

Умид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Термиз археология музейи
директори

Темур ва темурийлар даври тангаларида рамзий маънони англатувчи геометрик шакллар борки, уларни меъморий иншоотларда, яъни сарой, масжид, мадраса ва бошқа тарихий ёдгорликларда ҳам кўриш мумкин. Мирзо Улуғбек отаси Шохруҳ вафотидан кейингина Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдорига айланади ва ўз номи туширилган қумуш тангаларни чиқаради. Улуғбек мис тангалари Бухоро, Қарши, Самарқанд, Термиз, Кеш, Шохруҳия, ҳатто Андижон шаҳрида ҳам зарб этилган. Аждодларимиздан бизга мерос қолган қўллаб тарихий ёдгорликлар ва қўлёзмалар асрлар давомида бошқалар томонидан ўзгартрилиши мумкин, бироқ тангалардаги ёзув ва тасвирлар асл ҳолича сақланади. Улардан узоқ ўтмишни ўрганишда аниқ ва муҳим манба сифатида кенг фойдаланиш мумкин.

Темур тахт тепасига келиб ўз номидан танга зарб этгани йўқ. Соҳибқирон номи билан

170 йил ҳукмронлик қилиб, жаҳонни титратган Амир Темур ва темурийлар даврида юқори сифатли турли тангалар зарб этилган. Амир Темур салтанатида кўп сонли мис, қумуш ва олтин тангалар зарб этувчи 40 дан зиёд зарбхона мавжуд бўлган. Амир Темур тангаларининг реверсида асосан танга чиқарилган жойнинг номи, санаси (сўз ёки рақамлар билан), калима ва тўрт халфа номи, учта халқадан иборат тамга ҳам бўлган. Уч халқа Соҳибқироннинг “дунёнинг уч қитъаси” ҳукмдори эканига ишора эди. Зарб қилинган тангаларда арабча, форсча ва мўғулча сўзлар битилган.

боғлиқ тангалар 1372 йилдан унинг вафотига қадар зарб қилинган. Пул тизими, асосан, қумуш тангага асосланган эди. Турли қимматдаги, чунончи, 6 граммли йирик қумуш тангалар, нимтанга ва тангачалар бўлган. Мис тангалар ҳам жуда кўп чиқарилган.

Улуғбек даврида пул ислохоти ўтказилди. 1428 йили аввалги йилларда чиқарилган мис тангаларни савдода ишлатиш тақиқлангани, уни янги тангаларга алмаштириш мумкинлиги тўғрисида қарор чиқарилади. Эски тангани алмаштиришни осонлаштириш учун Андижон, Тошкент, Шохруҳия, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз ва Ҳисорда янги пуллар ягона шаклда зарб қилинган. Пул алмашиш тугаган

дан сўнг Бухородан ташқари ҳамма шаҳарлардаги зарбхоналар ёшилган.

Темур ва темурийлар даврида зарб қилинган тангалар қатор хусусиятлари билан бошқа даврларникидан фарқ қилади. Ушбу давр тангаларига махсус тамга босиш шундай хусусиятлардан эди. Бундай нақшлар чиғатойлар даври тангаларида XIII асрда солиниб, XV асрга келганда кенг қўллана бошлади. Улар думалоқ, тўртбурчак, гулга ўхшаш ва ҳоказо шаклда бўлган. Улуғбек ўз даврида илм-фан, маърифат, пул ислохоти ҳам жиддий эътибор қаратган.

Тулалар даъресининг Сарийоси туманидан оқиб ўтувчи қисми қирғоқидан Улуғбек зарб



эттирган қўллаб тангалар топилди. 2022 йил 2 март кунини Сарийоси тумани Алишер Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича уринбосари Нигора Шарипова

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 884.
85049 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қўғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Термиз археология музейига шу ҳақда маълумот берди.

2022 йил 3 март кунини Маданий мерос агентлиги, Термиз археология музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи вакиллари маҳаллий аҳолидан 512 дон мис тангани белгиланган тартибда олиб, Термиз археология музейи фондига топширди.

Шунингдек, 9 март кунини Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган ўрганиш давомида қўшимча 620 дон мис танга ва 1 та шахмат донаси маҳаллий аҳолидан тегишли тартибда олиниб, Термиз археология музейи фондига топширилиши таъминланди.

Термиз археология музейи махсус экспедицияси жорий йил 9 мартдан эътиборан ҳудудда археологик қидирув-текширув ва қазилма ишларини олиб бормоқда. Дастлабки кун (9 март) ноқулай об-ҳаво шароити тўғрисидаги маълумотлар билан 4 дон танга топилган. 10 мартдаги археологик ишлар жараёнида ҳам Мирзо Улуғбек даврига оид ўнлаб мис тангалар топилди.

Ижод уйидаги АДАБИЙ МУЛОҚОТ

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Тошкент вилояти Паркент туманидаги 29-сонли болалар муסיқа ва санъат мактабига таниқли адиблар ва ёшлар етакчилари иштирокида адабий мулоқот ўтказилди. Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Республика маънавий ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, уюшма аъзолари, Тошкент вилояти ижодкорлари, туман ёшлари етакчилари билан ўтказилган ижодий суҳбатда ўзаро фикр алмашилди.



Учрашувда китобхонлик маданиятини ошириш, мамлакатимизда ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, янги истеъодларни кашф қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди. Бугунги кун ёшларининг ижод оламидаги қизиқишлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди. Учрашувда мактаб кутубхонасига Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган 150 дон бадий китоб совға қилинди. Шу кунни учрашувлар “Паркент” ижод уйидаги “Наврўз” умумхалқ байрам тадбири билан давом этди. Ёзувчилар уюшмаси жамоаси, аъзолари, ижодкорлар янги йиллимизни, янгиланиш фаслини яхши кайфиятда қўтаринкилик билан қўтиб олиш мақсадида “Паркент” ижод уйида жам бўлишди.

— Наврўз айёмини бир томонидан қумуш қиш манзараси акс этган, бир томонидан эса баҳор нафаси уриб турган адирлар бағрида қўтиб олишнинг гашти ўзгача, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов. — Жаннатмонанд юртимизнинг гўзал икки фасли оралаб ёруғ ниятлар қилар эканмиз, фаровон юртимизда кечаётган тинч ва осуда кунларимиз, тўқин дастурхонимиз ва фарзандларимиз камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар учун шукр қиламиз.

Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қўрилган “Паркент” ижод уйида яратилган имкониятларни ўз кўзимиз билан кўриб, ижодкорга қўрсатилаётган бу рағбатни келгусида муносиб ютуқларимиз, янги ва сермазмун асарларимиз билан оқлашни дилимизга тугиб қўйдик.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳам ижодкорлар учун мана шундай қулай, муҳташам иншоотлар қуриб берилганидан ниҳоятда мамнун эканликларини билдирди. Байрамда янграган дилбар тароналар даврга ўзгача файзу тароват бағишлади. Бобур Мирзо таъриф этганидек, “шеър баҳси, дўстлар суҳбати” эса йилгиланларга баҳорий жўшқинлик улашди.

Байрам дастурхонидан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Аxbотот хизмати томонидан пресс-тур ўтказилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир журналистларнинг ушбу мажмуа борасидаги барча саволларига жавоб беришди.

Бино замонавий андозлар асосида қўрилган кутубхона, ошхона, чойхона ҳамда 150 ўринли амфитеатрга эга. Келгусида мазкур ижод уйи ёзувчи ва шоирлар, ёш қаламкашлар томонидан гўзал асарлар яратилишига, адабий мулоқотларга гувоҳ бўлиши, шубҳасиздир.